

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАБАХОДЖАЕВА ЛОБАР ГАФУРДЖАНОВНА

ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ МОДЕЛИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ЧИРЧИҚ–2021

**Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
педагогическим наукам**
**Table of contents of the abstract of the doctoral dissertation (DSc) in
pedagogical sciences**

Бабаходжаева Лобар Гафуржановна

Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида
аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий
асослари..... 3

Бабаходжаева Лобар Гафурджановна

Теоретические и практические основы внедрения смешанной модели
обучения в процессе развития педагогической компетентности
студентов..... 33

Babakhodjaeva Lobar Gafurdjanovna

Theoretical and practical foundations of blended learning model
implementation in the process of development of pedagogical competences
of students..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАБАХОДЖАЕВА ЛОБАР ГАФУРДЖАНОВНА

ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ МОДЕЛИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ЧИРЧИҚ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Ped215 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Усаров Жаббор Эшбекович
педагогика фанлари доктори

Оппонентлар:

Эргашов Мухаммадрасул
техника фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Уразова Марина Батыровна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Диссертация автореферати 2021 йил «26» ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил «26» ноябрь даги 10 рақамли реестр баённомаси).



Б.Х.Эшчанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, ф-м.ф.д.

Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёнлари барча соҳаларга, жумладан, таълим тизимига ҳам катта таъсир кўрсатиб, электрон ўқитишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Электрон ўқитиш амалиётида аралаш таълим (blended learning)нинг Face-to-facedriver, Rotation, Flex, Onlinelab, Self-blend, Onlinedriver каби моделлари, рақамли таълим ресурслари ва онлайн-сервислардан нафақат иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш, балки бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ривожланган давлатлардаги хорижий тажриба бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентликни ривожлантиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, педагогик таълимни ахборотлаштиришнинг янги сифат босқичига кўтариш кутилган самарадорликка эришиш имкониятини янада ошираётганлигини кўрсатмоқда.

Дунёда педагогика олий таълим соҳасини ахборотлаштиришнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, кластерли ёндашув асосида анъанавий ва инновацион таълим тизимларининг мақбул интеграциясини таъминлашнинг педагогик механизмлари, ахборот-таълим муҳити шароитида бўлажак педагогларда метакомпетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-методик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва илмий-методик таъминотини электрон ўқув ресурслар, замонавий кўп каналли графикли интерфейс, визуал ва объектга мўлжалланган дастурлаштириш, маълумотлар баъзасини яратиш орқали такомиллаштириш, анъанавий, масофавий ва мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг формал, информал ва ноформал шакллари касбий соҳаларга адаптив қўллашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда сўнгги йилларда олий педагогик таълимга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, янги Ренессанс шароитида муқобил таълим шаклларида муваффақиятли фаолият юритишга қодир, комплекс педагогик компетентликка эга ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ аралаш таълимнинг методик имкониятларини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, мазкур моделни жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари ва дидактик механизмининг такомиллаштириш, бўлажак

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

ўқитувчиларда педагогик компетентликнинг ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг квалитетрик мезонлари, кўрсаткичлари ва индикаторларини аниқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавиймаърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Stanford University (АҚШ), Institute named after Frica Bauer (Германия), Belfield pedagogical university(Германия); Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters University (Англия); Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия); Seoul Cyber University (Жанубий Корея); Санкт-

² Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Scardamalia M., & Bereiter C.: Knowledge building: Theory, pedagogy, and technology, in: K. Sawyer (eds.) Cambridge handbook of the learning sciences, New York, Cambridge University Press, p. 97-118 (2006).; Ligorio, M. Beatrice, Sansone, N.: Structure of a Blended University Course: Applying Constructivist Principles to Blended Teaching. In: Information Technology and Constructivism in Higher Education: Learning Frameworks, 216-230 (2009).; Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Pinchuk, O. P., Sokolyuk, O., Burov, O. Y., & Shyshkina, M. P.: Digital transformation of learning environment: aspect of cognitive activity of students. In: Proceedings of the 6th Workshop on Cloud Technologies in Education (CTE 2018), KryvyiRih, Ukraine, December 21, 2018, CEUR Workshop Proceedings 2433, 90-101 (2019).

Петербургда ахборотлаштириш институти (Россия); Чирчиқ давлат педагогика институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асосларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: аралаш таълим моделлари ва уларнинг комбинацияларидан фойдаланиш технологиялари яратилган (Stanford University); идрок қилишнинг визуал ва аудио воситалари орқали таълим олувчилар компетентлиги шаклланишига мақсадли комплекс таъсир кўрсатиш методикаси ишлаб чиқилган (Institute named after Frisca Bauer); педагогика олий таълим муассасаси талабаларини тьюторлик фаолиятига тайёрлаш тизимининг самарали ишлаш механизмлари такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); аралаш таълим жараёнини моделлаштириш методлари ва автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари ишлаб чиқилган (Bournemouth University); талабалар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмали яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи вертуал-тренинг тизими ишлаб чиқилган (Universiti Teknologi); мобил электрон қурилмалар базасида электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University); ўқитишни моделлаштириш, технологиялаштириш ва автоматлаштириш тизимлари такомиллаштирилган (Санкт-Петербург ахборотлаштириш институти); электрон таълим платформаси ва ахборот-таълим муҳитининг дидактик таъминотини такомиллаштириш асосида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш методи яратилиб, таълим кластери шароитида қўллашнинг илмий педагогик асослари ишлаб чиқилган (Чирчиқ давлат педагогика институти).

Жаҳонда талабаларда креатив компетентликни муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш методикаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аралаш таълим технологияларини лойиҳалаш ва қўллашнинг янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; аралаш таълимнинг дидактик воситаси тузилмаси блоклари мазмунини мақбуллаштириш орқали ўқитиш жараёнини такомиллаштириш; аралаш таълим технологиялари ва воситаларининг ўқитиш жараёни сифатига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш; аралаш таълимнинг дастурий-методик таъминотини яратиш; бўлажак педагогларнинг медиа компетентлигини ривожлантириш дидактик параметрларини аниқлаштириш; рефлексив ёндашув асосида аралаш таълим шароитида талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, электрон таълимни ривожлантириш, масофавий таълимни ташкил этиш, электрон ахборот-

таълим ресурслари, дастурий таъминотларни яратиш ва қўллаш муаммолари бўйича мамлакатимиз олимлари А.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, А.Аширова, У.Бегимқулов, Р.Бақоев, Ф.Закирова, Д.Маматов, Ж.Ҳамидов, Ҳ.Қодиров, У.Юлдашевлар³ илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Таълимда компетенциявий ёндашув муаммолари Д.Маҳмудова, М.Матназарова, Н.Муслимов, Ж.Усаров, Б.Ходжаевларнинг илмий-тадқиқотларида, педагогик таълимда кластер тизими билан боғлиқ инновацион қарашлар Ғ.Муҳамедов, Ш.Мардонов, У.Ходжамқулов, Ш.Ботироваларнинг ишларида ўз аксини топган. Ўқитишда аралаш таълимни татбиқ этиш масалалари Ж.Джуманов, Б.Пренов, С.Худайбердиев, У.Худанов, Б.Холматова, Г.Юсупова, Ш.Юлдошевлар⁴ томонидан муайян даражада ўрганишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари Ю.Капустин, М.Мохова, М.Орлова, М.Медведова, В.Фандей ва бошқаларнинг ишлари аралаш таълим масалаларига бағишланган.

Хорижий мамлакатлар олимлари Darling Painter, Donald Clark, Purnima Valiathan, Rebecca Vaughan Frazee, Roger Schank, Allison Rossett, A.Amadco ва бошқаларнинг ишлари аралаш таълим тушунчаси ва уни ташкил этиш асосларини ўрганиш билан шуғулланишган.

Турли соҳа вакиллари томонидан талабаларнинг компетентлигини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизимини ахборотлаштириш, айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида, таълим кластери ва аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш масаласи педагогик муаммо сифатида махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01-729 “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” (2018-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик хусусиятларини аниқлаштириш;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик тузилмаси ва компонентларини такомиллаштириш;

³ Бегимқулов У.Ш., Боқиев Р.Р., Тўхтаматов Х.Р. Масофавий таълим терминлари изоҳли луғати. - Т.: ТДПУ, 2008. - 57 б.; Абдуқодиров А.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот коммуникация технологияларига оид компетентлиги. —“Педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларига оид компетенциялар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материалари. – Т.: ТДПУ, 2015. -3 б.;

⁴ Халматова Б.Т., Худайбердиев С.А., Джуманов Ж.Х., Пренов Б.Б., У.О.Худанов. Олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш: E-learning:Монография/ Тошкент тиббиёт академияси. 2017. - 106 б

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг технологик моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ва Жиззах давлат педагогика институтларининг 524 нафар талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини аралаш таълим жараёнида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик хусусиятлари анъанавий, масофавий ва Интернет орқали мустақил таълим олишнинг интегратив шакллариининг касбий тайёргарлик жараёнини жадаллаштиришга доир ташкилий, аналитик, диагностик, прогностик, лойихавий фаолият билан горизонтал ва вертикал даражада бойитиб боришнинг аутопедагогик имкониятларини кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик тузилмаси касбий тайёргарлик жараёнининг мотивацион, когнитив, фаолиятга доир, аксиологик, акмеологик, рефлексив компонентларини аралаш таълимни ташкил этишнинг ўқитиш технологияларини эркин ва мақбул танлаш, идентив мақсадни белгилаш, Блум таксономиясининг анализ, синтез, баҳолаш босқичларини электрон тарзда трансляциялаш шароитида таълим муҳитини динамик тарзда ўзгартириб бориш тамойиллари билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг технологик модели ўқув материалларнинг йирик блокларга бирлаштириш орқали электрон кўринишда ўқитиш (Replacement), электрон ресурслардан фойдаланиш орқали анъанавий таълимни ташкил этиш (Supplemental),

электрон таълим орқали ўқув дастурларини ўзлаштириш (Emporium), индивидуал эҳтиёжлар асосида аудиторияда ва электрон ўқитишга доир машғулотларни мустақил равишда уйғунлаштириш (Buffet) моделларини миллий кредит-модуль тизимига адаптивлик даражасини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда аралаш таълим моделини жорий этишнинг методик шартлари электрон таълим ресурслари билан ишлашда талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларини максимал ҳисобга олиш, шахсга йўналтирилган таълимнинг мослашувчанлиги ва қулайлиги, коммуникатив, инфорацион ва ижтимоий компетенцияларни ривожлантирувчи асинхрон ва синхрон кўринишдаги ўқув жараёнида коллаборативликни таъминлаш, ўқув-билиш фаолиятининг автономлигини қўллаб-қувватлаш орқали мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга кластерли ёндашувни татбиқ этишнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар очик таълим ресурсларининг (Google for Education) “ўтирилган синф” технологияси (Flipped Classroom)ни тайёрлов, аудитория иши, мустақил таълим билан синхрон коммуникацияга киришув даражаси интерактивлиги ва рефлексивлигини бевосита ҳисобга олиш орқали ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳолашнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг аралаш таълимга асосланган технологияси ишлаб чиқилган;

“Аралаш таълимни шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси” ва “Таълим платформасидан фойдаланиш методикаси” номли ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқилган;

“Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси” номли дарслик ҳамда “Педагогик компетентлик” номли ўқув қўлланма ва “Аралаш таълимни ташкил этишнинг дидактик жиҳатлари”, «Педагогические основы проектирования личностно-ориентированной интеллектуальной системы обучения», «Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти» номли монографиялар нашр этирилган;

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосий методологик тамойилларга асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларининг

адекватлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “аралаш таълим”, “педагогик компетентлик” тушунчаларининг моҳияти ва тузилмаси, компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларининг аниқлаштирилганлиги, талабалар педагогик компетентлигини ривожлантиришда аралаш таълим технологияларидан фойдаланишнинг назарий-методологик, дастурий ва услубий таъминоти, ахборот тизимларини бошқариш соҳасидаги мутахассислар учун дастурлаштириш тизимини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қиладиган интегратив ёндашувлар ҳамда методик шарт-шароитларнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқув жараёни иштирокчиларининг электрон таълим манбаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи аниқлангани ва асослангани; олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан аралаш таълим шароитида талаб қилинадиган педагогик АКТ-компетентлиги даражаси аниқлаштирилгани ва унга оид тавсиялар ишлаб чиқилгани; олий таълим муассасаларида аралаш таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг локал меъёрий-ҳуқуқий таъминоти ишлаб чиқилгани, амалий фаолият жараёнида фойдаланиладиган асосий компонентларни ўз ичига олган аралаш таълим тизимининг схемаси яратилгани; электрон ва анъанавий таълим технологияларидан фойдаланиш улушлари нисбатини мақбуллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилгани; анъанавий ва масофавий ўқитиш шаклларида ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, талабаларда муҳим коммуникатив сифатларни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш методикасининг такомиллаштирилганлиги, аралаш таълим муҳитини яратишнинг ташкилий-методик тизими, фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мобиллик компетенциясининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашнинг диагностик тизими такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг компетентлигини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик хусусиятларини анъанавий, масофавий ва Интернет орқали мустақил таълим олишнинг интегратив шаклларининг касбий тайёргарлик жараёнини жадаллаштиришга доир ташкилий, аналитик, диагностик, прогностик, лойиҳавий фаолият билан горизонтал ва вертикал даражада бойитиб боришнинг аутопедагогик имкониятларини кенгайтириш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган

информатика ва ахборот технологиялари фанидан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими маркази ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 8 ноябрдаги 01/11-01/9-1570-сон маълумотномаси). Натижада, аралаш таълим шароитида бўлажак педагогларда касбий компетенцияларни ривожлантириш тизими такомиллаштирилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик тузилмаси касбий тайёргарлик жараёнининг мотивацион, когнитив, фаолиятга доир, аксиологик, акмеологик, рефлексив компонентларини аралаш таълимни ташкил этишнинг ўқитиш технологияларини эркин ва мақбул танлаш, идентив мақсадни белгилаш, Блум таксономиясининг анализ, синтез, баҳолаш босқичларини электрон тарзда трансляциялаш шароитида таълим муҳитини динамик тарзда ўзгартириб бориш тамойиллари билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар 7, 8, 9-синф ахборот технологиялар фани мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими маркази ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 8 ноябрдаги 01/11-01/9-1570-сон маълумотномаси). Натижалар ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш ҳамда фанни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда аралаш таълим моделини ўқув материалларнинг йирик блокларга бирлаштириш орқали электрон кўринишда ўқитиш, электрон ресурслардан фойдаланиш орқали анъанавий таълимни ташкил этиш, электрон таълим орқали ўқув дастурларини ўзлаштириш, индивидуал эҳтиёжлар асосида аудиторияда ва электрон ўқитишга доир машғулотларни мустақил равишда уйғунлаштириш моделларини миллий кредит-модуль тизимига адаптивлик даражасини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Полша миллий академик алмашинув агентлиги (NAWA) ва Ўзбекистон ҳамкорлигидаги PPI/APM/2019/1/00004 – рақамли Халқаро “3D Digital Silk Road” номли амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2021 йил 10 ноябрдаги 1935-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик кластерни ривожлантиришда аралаш таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик шартларини электрон таълим ресурслари билан ишлашда талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларини максимал ҳисобга олиш, шахсга йўналтирилган таълимнинг мослашувчанлиги ва қулайлиги, коммуникатив, инфорацион ва ижтимоий компетенцияларни ривожлантирувчи асинхрон ва синхрон кўринишдаги ўқув жараёнида коллаборативликни таъминлаш, ўқув-билиш фаолиятининг автономлигини кўллаб-қувватлаш орқали мустақил таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш

асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-усубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 11 ноябрдаги 11/11-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришда аралаш таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга кластерли ёндашувни татбиқ этишнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар очик таълим ресурсларининг “ўгирилган синф” технологиясини тайёрлов, аудитория иши, мустақил таълим билан синхрон коммуникацияга киришув даражаси интерактивлиги ва рефлексивлигини бевосита ҳисобга олиш орқали ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2036/04-сон далолатномаси). Натижада, педагогик фаолиятни ривожлантиришда аралаш таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, 3 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-методик қўлланмалар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 215 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги асослаб берилган, мақсади, объекти, предмети ва вазифалари белгиланган, тадқиқот ишини ташкил этишнинг назарий ва методологик асослари таърифланган, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Педагогика назарияси ва амалиётида аралаш таълим муаммоси ҳолати таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ўқитиш

тизимида аралаш таълим технологиясинининг жорий этилиши ва ривожланиш истиқболлари, аралаш таълим – ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари таҳлили этилган.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёни ҳаётнинг барча соҳаларига, шу жумладан, таълим, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тизимида, хусусан, Олий таълим муассасаларида таълим олишнинг анъанавий ва масофавий шакллариининг жорий этилиши натижасида нафақат таълим мазмуни, балки ўқитишга ёндашувлар, фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасининг ўзгаришини ҳам тақозо қилмоқда. Тадқиқотлар ўқитишнинг замонавий моделларини, интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган аралаш таълим технологияларининг педагогик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўқув жараёнига тез мослашувчан (мобил) замонавий ўқитиш тизимни яратиш методологиясини ҳамда талабаларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциаллашган аралаш амалга оширувчи ўқитиш тизими таркиби, тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш заруратини асослайди.

XX асрнинг ўрталаридан, жамият янги давр: юқори технологиялар, сунъий интеллект ва компьютерлар даврига кирганидан бошлаб жамият, фан ва таълимни умумий "ахборотлаштириш" бошланган бўлса, тараққиётнинг ҳозирги босқичи: ақлий меҳнат аҳамиятининг ортиши, глобал миқёсдаги ахборот ресурсларидан фойдаланишга йўналганлик, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ижодий жамоалар ўртасида тез-тез мулоқот ўрнатиш, ахборот алмашиш эҳтиёжи, фан, техника ҳамда таълимни қамраб олувчи жараёнларнинг интегратив характери кабиларни киритиш мумкин.

Ахборот-коммуникацион технологияларининг такомиллашиши жамиятнинг ахборотни тезкор ва хатосиз узатиш, қайта ишлаш, сақлашга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, мутахассисга янада асосли ва тўғри қарорлар қабул қилиш, атроф-муҳитдаги реал воқелик шарт-шароитларига ўз вақтида мослаша олишларига имкон беради. Жамиятдаги ўзгаришлар, таълим олишнинг мажбурий мезони ва шартига айланиб бораётганлиги, жаҳон ижтимоий тармоқлари, Интернет, ахборот қидириш, электрон почта, чат, ведиоконференция, электрон дарслик ва кутубхоналар каби бошқалар барча турдаги коммуникация ва муҳим маълумотларни олишнинг тезкор методи сифатида фаол фойдаланиш билан бирга таълимнинг аралаш шаклидан фойдаланиш компетентлигига эга бўлиш лозимлигини тақозо этмоқда. ЮНЕСКОнинг ахборот технологиялари бўйича институти мутахассислари таҳлиliga кўра, талабаларнинг атиги 15% анъанавий таълим шаклидан мамнун эканини, аксарияти эса ўқитиш шарт-шароитларига

"масофавий, очиклик, эгилувчанлик, индивидуаллаштириш" каби талабларни киритиш ғояларини илгари суришди. Буни эса фақат замонавий таълимнинг аралаш шароитида мос ўқитиш шакллари, моделлари, усуллари ва технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш мумкин.

Ш.У.Бегимқулов, М.Ф.Зокирова, А.А.Абдуқодировнинг илмий изланишларида масофавий таълим моделлари ва уларнинг синфлари ҳамда малака оширишда масофавий таълимдан фойдаланиш имкониятлари, Н.А.Муслимов, Т.И.Тойлоқов, Н.В.Монаховлар томонидан масофавий таълим ўқув-услугий мажмуасини яратишнинг ташкилий-методик тамойиллари ва электрон дарсликларни яратишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган. Шунингдек, яна бир қатор олимлар масофавий таълимнинг ўқитиш субъектлари ҳамда ўқув воситалари ўртасида юзага келувчи ўзаро мақсадга мувофиқ интерфаол алоқаларнинг инновацион технологияси эканлигини асослаб беришган. Масофавий ўқитишни таъминловчи ахборот-таълим муҳити модели асосида ўқитувчи-тьюторнинг касбий сифатлари гипотетик модели асосида ўқитувчиларнинг мотивацион, когнитив-амалий, эмоционал соҳалари бўйича тайёргарлигини баҳолаш мезонлари Д.М.Сайфуровнинг ишларида илмий асосланган.

Хорижда Интернет технологияси асосида масофавий таълимни амалга оширишнинг ташкилий ва педагогик муаммолари А.Аmadco, А.Doods, М.Моore, G.Kearsleyларнинг, таълим олувчиларнинг ўқув жараёни билан ўзаро ҳамкорлик характери, ўқитиш воситаларига бўлган талабларни шакллантириш масалалари А.Аmadco, R.Schank, А. Rossett лар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, тадқиқот манбаларида таълим бу шаклига турлича ёндашилган. Хусусан, педагогика фанидан изоҳли луғатда “Масофавий ўқитиш – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги услуги” деб таъриф берилган. Бизнинг фикримизча “Масофавий ўқитиш –замонавий таълим шаклларида бири бўлиб, аралаш таълимнинг муҳим компоненти ҳисобланади ва талабалар билан онлайн мулоқот вақтида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш мезонини белгилайди. Чекка худудларда ҳам таълим олиш ва ўқитиш вақтини мувофиқлаштириш имкониятлари билан характерланади”.


Мустақил онлайн курснинг анъанавий ўқитиш методикаси билан уйғунлигидан ташкил топган аралаш таълим (blended learning) бутун дунёда, жумладан, республикамизда ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Ушбу методика қисман анъанавий, онлайн ва мустақил (интернет) ўқитиш воситасида ташкил этиладиган ҳамда йўналиши, ўқитиш динамикаси ўқитувчи томонидан назорат қилинадиган таълим сифатида белгиланади. 2005-2006 йиллардан бошлаб Интернет-технологиялари, хусусан, Веб 2.0 технологияларининг кенг тарқалиши туфайли онлайн блоклар, подкастлар, викилар шаклидаги мультмедининг турлари кенг тарқалди. Дастлаб, анъанавий ва онлайн таълим - бу бир-бирини тақозо этмайдиган, ўзаро

қарама-қарши иккита метод сифатида: биринчилари анъанавий ўқитиш методлари кейинчалик истеъмолдан чиқарилади, десалар, бошқа томондан, масофавий таълимни сифатсиз ва тўлиқ ўқитиш эмас, деб ҳисоблашарди. Ушбу зиддиятли ва қарама-қарши фикрларнинг ечими сифатида аралаш таълим технологияси дунёга келди. Бу дастур масофавий, мустақил ва ўқитишнинг анъанавий ёндашуви билан бирлаштиришни назарда тутди. Аралаш таълим мослашувчанлиги, фойдаланишнинг осонлиги ва жамиятдаги таълимга бўлган эҳтиёжини қоплаш имкониятлари билан аҳамиятлидир.

Кўпгина педагоглар аралаш таълим камчиликлари сифатида, жараёнда ўқитувчи билан доимий алоқанинг йўқлиги, таълим дастурларининг анча осонлиги, талабалар компьютерда узоқ вақт ўтириб ишлашлари туфайли жамиятдан ажралиб қолишга, мулоқот қилиш имкониятларининг қисқаришига, “ўзининг қобилигига ўралиб қолиши”га сабаб бўлишини келтиришади. Унинг устуворлик тарафи эса, ўқитишнинг аралаш шаклида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш, аралаш таълим модели асосида уларнинг доимий касбий фаолиятини такомиллаштириши, талабаларни мустақил таълим олишга ўргатиши учун мавжуд стратегияларни самарали ўзгартириш билан боғлиқлигидир.

Аралаш таълим” тушунчаси "анъанавий ва масофавий таълим технологиялари, ўқитишнинг инновацион педагогик методларининг самарали “аралашмасдан” фойдаланишга асосланади. Бугунги кунда таълимда қўлланилаётган аралаш таълимнинг қуйидаги моделларини келтириб ўтиш мумкин (1-расм).

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга таяниб, биз “аралаш таълим” тушунчасини қуйидагича таърифладик: аралаш таълим -анъанавий кундузги, масофавий ва мустақил таълимни бирлаштирувчи ўқитиш тизими бўлиб, у ўқитувчилар, таълим олувчилар ва ахборотнинг интерфаол манбаларининг ўзаро таъсирлашишини қамраб олади, доимо ўзаро алоқада бўлган ва бир бутунликни ташкил этган ўқув жараёнига хос барча компонентлар (ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари, ташкилий шакллари, воситалари)ни акс эттиради.



1-расм. Аралаш таълим моделлари

Аралаш таълим – ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг муҳим омили: масофавий ўқитиш (Distance Learning), аудиторияда ўқитиш (Face-To-Face Learning) ва Интернет орқали ўқиш ((Online Learning)ни ахборот ва таълим технологиялари асосида қатъий дастурлаш, вақт, мазмундан фойдаланишдаги чекловларсиз нозикли таълим моделини қўллаш ҳисобланади. Бугунги педагогик таълим инновацион кластери модели юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ислохотларни амалга ошириш, таълим тизимини модернизациялаш доирасида янги таълим натижаларига эришишига йўналтирилган, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга имкон берувчи замонавий ёндашув ҳисобланади.

Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асосларига оид илмий тадқиқот ишларида: педагогик компетентлик - таълим ва тарбия масалаларини профессионал даражада, малакали ҳал қилиш имконини берадиган билим, кўникма ва тажриба тарзида, шунингдек, педагогик фаолиятга тайёргарликнинг назарий ва амалий ташкил этувчиларини юқори даражада эгаллаганлик, ўқитувчи касбий маҳоратининг юқори эканлигини, педагогик фаолиятнинг индивидуал услуби, унга ижодий ёндошиш ва педагогик рефлексиянинг ривожланганлиги сифатида изоҳланади.

Компетентлик тушунчасига ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Бизнинг тадқиқот ғоямиз А.Зимнянинг фикрлари мос тушади. Яъни, ўз-ўзига шахс сифатида, ҳаёт фаолияти субъекти сифатида ўзига тегишли компетентлик; инсоннинг бошқалар билан ўзаро муносабати билан боғлиқ компетентлик; инсон фаолияти билан боғлиқ, унинг барча турлари ва шаклларида намоён бўладиган компетентлик. Бизнинг талқинда компетентлик – аралаш таълим шароитида педагогик сифатлар: когнитив, мотивацион, эмоционал-иродавий компонентларни қамраб олади ҳамда ўз билимларини касбий ва ҳаётий фаолиятида амалга оширишга тайёргарликни ифодалайди.

Юқорида баён этилган таърифлардан келиб чиқиб, биз бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълимда ишлашга тайёргарлиги –аралаш таълим шароитида самарали ва ижодий ишлаш учун зарур бўлган касбий ва шахсий сифатлари, таълимни амалга ошириш моҳияти, шарт-шароитлари ва усуллари ҳақидаги концептуал билимлари мажмуаси сифатида таърифладик. Шундай қилиб, илмий манбаларни назарий таҳлил этиш асосида "аралаш таълим" тушунчаси моҳиятан кундузги, масофавий ўқитиш ва мустақил таълимни бирлаштирган ўқитиш тизимидан иборат бўлиб, у ўқитувчи, талаба ва ўқув жараёнига хос бўлган барча компонентлар (мақсадлари, мазмуни, методлари, ташкилий шакллари, ўқув воситалари)ни акс эттирувчи, доимий равишда ўзаро алоқада бўлган ва яхлит бир бутунликни ташкил этувчи ахборотнинг интерфаол манбаларини қамраб олади. Талабаларнинг аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлигини мотивацион, когнитив, фаолият, технологик ҳамда интерфаол компонентлари орқали ривожлантириш мумкин.

Демак, аралаш таълимнинг назарий асосларини таҳлил қилиш республикамизда аралаш таълимнинг қонуний асосларини ишлаб чиқиш, Қонунга таълим шакли сифатида киритиш, уни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва таълимнинг янги шакли сифатида қабул қилиш заруратини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик асослари”** деб номланган иккинчи бобида Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурслари ишлашининг ташкилий-методик ўзига хослиги, аралаш таълим шароитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишда "ахборот муҳити" моделини лойиҳалаш, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш ва ундан фойдаланиш ҳамда аралаш таълимда талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари тадқиқ қилинган.

Аралаш таълим шароитида ўқитишнинг электрон таълим ресурслари тузилмаси иккита асосий методологик концепцияга асосланади яъни, маъмурий қўллаб-қувватлаш ва электрон ўқув-методик мажмуаларни шакллантириш. Электрон ўқув-методик мажмуалар (ЭЎММ)нинг ахборот таъминотини яратиш ва қўллаб-қувватлаш профессор-ўқитувчилар жамоаси вазифаси бўлиб, лойиҳалаш ва технологик таъминот бўйича ташкил этиладиган барча тадбирлар - маъмурий ходимлар зиммасига юкланади. Аралаш таълим шароитида ўқитувчининг функционал вазифаси ўзига хос равишда ўзгаради. Аралаш таълимнинг умумий тенденциялари таҳлил қилинганида, уларнинг аксарияти электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, дарс вақтидан фойдаланиш самарадорлигини максимал даражада ошириш ва ўқув жараёнининг мослашувчанлиги, мустақил ишлашга бўлган интилишини оширишга ижобий муносабат билдиришган. Бунинг учун Электрон таълим ресурслар (ЭТР)ни ишлаб чиқиш, мавзусига оид (интернет) маълумотларни таҳлил қилиш, танлаш, тизимлаштириш билан ишлаш методологиясини ўзлаштиришлари лозим бўлади. Электрон таълимни ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари: лойиҳа мавзусини ишлаб чиқиш, моделлаштириш, жорий этиш, таҳлил этиш ҳамда лойиҳа ҳимоясидан иборат бўлади.

Ўқитиш амалиётида "электрон таълим ресурси" тушунчасини аниқлашда иккита асосий йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш электрон шаклдаги ўқув материаллари, компьютер ёрдамида кўпайтириладиган ҳар қандай ахборот маҳсулотини электрон таълим ресурслари сифатида қабул қилишади. Иккинчи ёндашувда ЭТРни мажмуавий мураккаб ҳодиса, яъни компьютер тармоғида тақдим этилган тематик тузилган ўқув материаллари тўплами сифатида қарайди. Бинобарин, ЭТР деганда, компьютер технологиялари ёрдамида тақдим этилган (матнлар, график тасвирлар, аудио, видео ва бошқалар) ўқув материалларининг бутун тизими тушунилади, маълум илмий соҳага оид йўналтирилган билимлар ва амалий кўникмаларни

шакллантириш назарда тутилади. ЭТР машғулотларда ўзлаштирилган билим ва кўникмаларини амалий қўллаш ва эришган натижаларини назорат қилиш имкониятлари аниқланади. Бунда нафақат ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорликдаги фаолияти, балки уларнинг мустақил ишлаши ҳам назарда тутилади.



2-расм. Ахборот таълим муҳитининг педагогик имкониятлари

Шундай қилиб, ўқув жараёнининг фаол шакллари қанчалик кенг қўлланилса, талабанинг субъектив позицияси ҳам шунчалик кўп шаклланади ҳамда таълим сифати ошиши, ўқув жараёнининг бойиши, вақтдан янада самарали фойдаланиш ҳамда ўқув материалларини тақдим этишда катта имкониятлар яратади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг ўқув материалларини ўрганиш қобилиятига, фаоллиги ва ўзлаштириш тезлигига ижобий таъсир кўрсатади. Аралаш таълимда талабаларни ЭТР билан ишлаш тартиб-қоидаси билан босқичма-босқич таништириш муҳимдир. Масалан, дарс бошида ЭТР ёрдамида ўқитиш вазифасини шакллантириш учун компьютерда кичик тақдимот ёки видеоролик ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги босқичда янги маълумотларни ўз билимлари билан ўзаро боғлаш, янги семантик ва мантикий алоқаларни ўрнатиш керак.

Аралаш таълимда "ахборот муҳити" моделини лойиҳалаш таълим олиш имкониятларини ривожлантиришнинг доимий, ажралмас шакллари сифатида мақсадга мувофиқлик, тезлик, самарадорлик, аниқ иш мулоҳазалари асосида ўз-ўзини ўрганиш, инсон шахсининг ўзгариши, таълим олишдаги ўқув фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, таълим жараёнини алоҳида таълим муассасасида ёки минтақавий тарзда амалга оширишда АТМни лойиҳалаш (моделлаштириш) етакчи ўрин эгаллайди.

Ахборот таълим муҳити шахс дунёқарашининг ахборот цивилизацияси учун оламнинг ягона манзарасини англашга шароит яратувчи бир макон сифатида кўп ўлчовли ахборотларнинг сўнги модели бўлиб, улар рамзлар, сигналлари, ахборот оқимлари ва муҳитлар кўринишида яратилади, узатилади ва фойдаланилади. Таълимнинг кўп ўлчовли АТМни шакллантириш контекстида олий таълим муассасаларида педагогик жараёни технологиялаштириш, ахборот технологиялари (АТ)- ўқув материалларини етказишнинг технологик тизимлари ва қайта алоқани таъминлаш учун ишлатиладиган идеал воситалар, ахборотни узатиш ва унинг тарқатиш йўллари модернизициялашни кўзда тутуди.

АТМ нинг ишлаши учун бир томондан, илмий жиҳатдан асосланган педагогик назариялар, психология, информология, информатика ва бошқаришнинг бошқа энг замонавий имкониятларидан фойдаланиш технологиялари, иккинчи томондан, педагогика олийгоҳларида ахборот таълим муҳитининг асосий вазифаларини амалга оширишга қаратилган синергетик, интегратив, мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи, касбий-йўналтирилган, умумий маданий ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади.

Аралаш таълим муҳитни ўрганишнинг педагогик жиҳатларини аниқлаш; муҳит элементларини ўрганиш (унинг тузилиши); муҳит хусусиятларини тавсифлаш; муҳитдан фойдаланиш стратегиясини ўрганиш, яратиш усуллари, муҳитнинг шахсга таъсирини аниқлаш (бу турли ижтимоий-педагогик шарт-шароитларга мос келадиган ижтимоий ва шахсий ҳолатлар нисбатини ҳисобга олиш) имконини беради.

Шунингдек, “муҳит” тушунчаси шахс ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар ўртасидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Бу ҳолда унинг макондаги мавжудлиги, муҳитнинг субъект билан ўзаро таъсири башорат қилинади. Яъни, бу тушунчалар “таълим макони” ва “ахборот макони”, “таълим муҳити”, “ахборот муҳити” каби тушунчаларини тавсифлаш учун ҳам қўлланилади.

Ахборот таълим муҳитининг асосий учта: биринчидан, АТМ фаолият турларидан бири бўлиб, унда инсон мулоқот жараёнининг иштирокчиси сифатида қаралади, яъни асосан шахсий билимларни ахборот тарзда ўзгаларга узата олишини намоеън қила олиш қобилияти ҳамда аксинча, олинган маълумотларни шахсий билимга айлантириш; иккинчидан, тарихан шаклланган алоқа шакллари тизими сифатида ва учинчидан, бутун жамият томонидан яратилган ахборот инфратузилмаси сифатида, жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келадиган миқёсда алоқа фаолиятини амалга ошириш имконини берувчи: нашриётлар, кутубхоналар, ахборот марказлари, маълумотлар базаси, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар киради.

Ахборот макони ахборот муҳити тушунчасидан фарқ қилади: бир хил ахборот майдонида бўлган шахс бир ахборот муҳитидан иккинчисига ўтиши мумкин. Масалан, касбини, сеvimли машғулотини ўзгартирганда, таълимнинг янги босқичига ўтиши мумкин. Бу ҳаракатларнинг барчаси бир хил ахборот макони доирасида амалга оширилади. Инсон бир вақтнинг ўзида турли ахборот муҳитида, масалан, институтнинг ахборот муҳитида, китобхонларининг ахборот муҳитида

(махсус адабиётлар, тегишли мулоқот ва тажриба ва бошқалар) ёки виртуал реалликнинг ахборот муҳитида (Интернетдаги мулоқот, компьютер ўйинларида) бўлиши мумкин. Бу муҳитлар баъзан жуда тарқоқ ва турлича бўлса-да, улар шахс томонидан умумлашган билимлар сифатида қабул қилинади.

Бизнинг фикримизча, аралаш таълим шароитида ахборот-таълим муҳити деганда, таълим жараёнининг ахборот, техник ва ўқув-услубий таъминоти, шунингдек, унинг иштирокчиларининг ўзаро мулоқоти тизимига асос бўлувчи ташкилий жиҳатлари назарда тутилади. Бунда таълим жараёнининг ҳар бир субъекти ўзининг ахборот муҳитини мустақил шакллантиради. У таълим жараёни субъекти сифатида ахборот ресурсларини яратади ва улардан фойдаланиб, нафақат ўзини, балки ахборот муҳитини ҳам ривожлантиради.

Ахборот муҳити бешта блокдан ташкил топади: кадрият-мақсадли, дастурий-методик, ахборот-билим, коммуникатив, технологик. Масалан, коммуникатив блок педагогик жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро мулоқат, алоқа шакллари, технологик блок ахборот муҳитида ишлатиладиган барча таълим воситаларини ўз ичига олади. Педагогикага оид ишларнинг назарий таҳлили: муҳит таълим субъекти муносабатларининг ва уни ташкиллаштириш даражасида (ижтимоий-педагогик, ташкилий-педагогик ва психологик-педагогик) ўзига хос тартибга солувчисидир, деган хулосага келиш имконини беради.

Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асосларини ривожлантиришнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш ва ундан фойдаланиш айниқса, жамиятни ахборотлаштиришнинг мақсад ва вазифаларини эътиборга олган ҳолда мутахассис тайёрлашда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни талаб қилмоқда. Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўринадики, замонавий таълимда талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда ахборот таълим муҳитидан фойдаланиш ўқитиш тизимидаги истиқболли ижтимоий вазифаларидан бири бўлиб унда таълим жараёнининг истиқболли ва самарали методикасини яратиш мумкин ҳамда шу асосда рақобатбардош педагогларни тайёрлаш кафолатланади.

Бизнингча, ахборот-таълим муҳитини яратишни оптималлаштириш учун тадқиқотни қуйидаги тартибда амалга ошириш зарур: ахборот-таълим муҳитини яратишнинг мақсад ва вазифасини аниқлаш; ахборот-таълим муҳитини яратиш тамойилларини ва фаолият кўрсатиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш; ахборот-таълим муҳити элементлари ва фойдаланувчилар тузилмасини белгилаш ҳамда аниқлаштириш; ахборот ресурсларини шакллантириш; ахборот-таълим муҳитини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари кадрлари компетентлигини ривожлантиришнинг ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш тизимни такомиллаштиришнинг

фундаментал асосларидан ҳисобланади. У таълим олувчининг шахсини, касбий ва ижтимоий компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришда бўлажак мутахассисларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш, уларнинг инновацион ва креатив салоҳиятини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини таъминлашнинг дидактик механизмларини ишлаб чиқиш, айниқса педагогика олий таълим муассасаларида фанларни касбий соҳага йўналтириб ўқитишнинг интеграллашган технологияларини ишлаб чиқишнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Педагогик жараёни ташкил этиш алоҳида эътибор бериш зарур бўлган устувор жиҳат ҳисобланади ва ўз таркибига таълим олувчилар, таълим жараён мақсади, шакллари, методлари, воситалари ҳамда натижаларини бирлаштиради ҳамда маълум шартларни қамраб олади: педагогика назарияси ва психология асосларини билиши; педагогик маҳоратга эга бўлиши; замонавий технологияларини ўзлаштира олиши; ҳиссий барқарор бўлиши; тинглай билиши ҳамда касбий, ташкилотчилик, мулоқотга киришувчанлик, бошқарувчилик, ижодий фаолиятни ташкил эта олиш ҳамда воқеликни тўғри баҳолай олиш. Шунингдек, тадқиқотчилик, мақсадни аниқ қўя олиш ва унга эришиш; вақтни тўғри тақсимлай билиш ҳамда ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши ахлоқли, ўз фаолиятини танқидий баҳолай олиши зарур.

Шундай қилиб, педагогик шарт-шароитлар бизнинг талқинимизда педагогик йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини шакллантириш, қўйилган мақсадларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик ва уларнинг таркибига тасодифий сабабларнинг кириб келишига тўсқинлик қилувчи қўшимча омилларни бартараф этишдан иборат. Унинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари эса, аралаш таълимнинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлган анъанавий, масофавий ва мустақил таълимни ўз ичига олади. Мазкур шароит талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-таълим муҳитини яратиш ҳамда ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш таълим кластерининг босқичли тамойилларига таянади. Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг мавжуд амалий жиҳатлари, педагогик шарт-шароитлари ҳамда уларни яратиш масаласи бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигида ўз инъосини намоён қилади.


Тадқиқот ишининг **“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг методик асослари”** деб номланган учинчи бобида аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш модели, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси ва аралаш таълим

шароитида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва баҳолаш хусусида фикр юритилади.

Моделлаштириш ёки “педагогик моделлаштириш” замонавий педагогик тадқиқотларнинг асосий методларидан биридир. Бунда педагогик воқеликнинг янги объектларининг муҳим хусусиятларини излаш ва тушунтириш имконияти пайдо бўлди. Бевосита моделлаштириш – бу ўрганилаётган педагогик ҳодисанинг компонентлари ва ўзаро ички боғлиқликларини аниқлаш, шунингдек, аниқ хусусиятларини юқори сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш орқали шакли, таркиби ва тузилишининг ишлаши ёки педагогик объект шаклланишини акс эттиришнинг назарий методидир. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини ўқув жараёнига тадбиқ этиш анъанавий кундузги (классик) таълим билан масофадан ўқитиш ва мустақил ўрганиш ўртасидаги ўзаро таъсир моделларини аниқлаш ва кейинчалик уларни такомиллаштириш йўллари аниқлаш имконини беради.

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёни иштирокчилари – талабалар педагогик фаолиятининг ўзига хослиги, унинг таркибий қисмлари мазмуни, ўқув жиҳозлари ва виртуал таълимга оид дастурий воситалар, мультимедиа технологиялари, электрон таълим ресурсларидан фаолият объекти сифатида фойдаланишни назарда тутди. Аралаш таълим шароитида ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараёнлар фаолият ҳақидаги ахборотлар ҳам талаба фаолиятининг объекти ҳисобланади. Педагогик ҳодисаларга тизимли ёндошиш, аралаш таълимнинг интегратив жараёнларини бирлаштиришга имкон беради. Бир бутунлик ва изчиллик туфайли кундузги ва масофавий таълимнинг ўзаро таъсирларининг таълимий, ривожланиш, дидактик, ахлоқий ва бошқа кўринишларида кўп йўналишларга эга эканини тушуниш мумкин бўлади.

Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини яратишда қуйидаги устувор методологик ёндашувларга таяндик: компетентли ёндашув; тизимли ёндашув; шахсга йўналтирилган ёндашув фаолиятининг ва интегратив ёндашув. Хусусан, фаолиятининг ёндашув аралаш таълимда талаба шахсини ривожлантиришда фаолиятининг турли шаклларида фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув модели лойиҳалаш стратегиясини белгилайди ва таълимий ўзаро таъсир фаолиятида шахсининг энг мослашувчан "ривожланиш траекторияларини" ва ўзининг имкониятларини намоён этиш йўллари кўрсатади. Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнининг модели қуйидаги компонентлардан ташкил топган: 1) мақсад; 2) мазмун (таълим олувчилар ўқув-педагогик фаолиятининг назарий, методик ва технологик жараёнлари); 3) процессуал; 4) ташхислаш-натижавий.



3-расм. Талабаларнинг педагогик компететлигини ривожлантиришнинг аралаш таълим модели

Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш жараёни моделининг мазмуний компоненти Давлат таълим

стандартлари, ўқув режа ва таълим дастурлари билан белгиланади ҳамда фанларнинг назарий асослари ва умумий касбий фанларни ўз ичига олади. Ўқитишнинг мазмуни – бу билим, кўникма, малака ва зарурий компетенцияларни ўз ичига олади, одатда, улар илмий билишнинг прогрессив ҳолатига мос келади, илм-фан, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқаришнинг қўшма асослари сифатида педагогик жиҳатдан қайта ишланади.

Ташхислаш-нативавий компонент аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигининг ривожланганлиги даражасини ва мақсадга мувофиқ ҳолда ташкил этилган ишлар натижасида юзага келган ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Талабаларнинг педагогик компетентлигининг мотивацион; когнитив; фаолият, технологик ҳамда интерфаол компонентлари паст, ўртача, юқори даражалари аниқланади. Талабалар педагогик компетентлиги компонентлари ривожланганлигининг юқори даражаси касбий тайёргарлиги анча ортганлиги билан характерланади, бу бўлажак ўқитувчига касбий фаолиятда ўзининг имкониятларини намоён этиши, хусусан, аралаш таълим муҳитида ишлаши учун имкон туғдиради. Танланган касбига бўлган эҳтиёж, инновацион фикрлаш тарзи аниқ намоён бўлади, ижодкорлиги ривожланади, мақсадини режалаштириш ва амалга ошириш методларини ўзлаштириши, босқичма-босқич олдинга силжиши, ташаббускорлиги ва фаоллиги, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши, мустақил ўрганиш қобилияти, рефлексив қобилияти, педагогик тажрибаси ортганлиги намоён бўлади. Амалиётга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу модел аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш учун асос ҳисобланади.

Аралаш таълим шароитида турли босма нашрлар (дарсликлар, қўлланмалар, методик тавсиялар, йўриқномалар) ва ахборот-коммуникацион технологиялари воситаларидан фойдаланилади. Тадқиқот ва таҳлиллар натижасида аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси ишлаб чиқилди. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси: лойиҳалаш; тайёрлаш ҳамда баҳолаш ва татбиқ этиш босқичлардан иборат бўлади. Аралаш таълимнинг комплекс ўқув-методик таъминоти бўйича ишлар аралаш таълим шароитида ўқитувчилар ва талабаларни синовдан ўтказишда, уларнинг педагогик ва амалий меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг шакллари ва ҳажмини аниқлашда, шунингдек, умуман таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда ҳисобга олинади.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув курслари ва ўқув –методик мажмуаларининг тузилмаси ва мазмуни дидактик тамойиллар ҳамда модулли ёндашув асосида ишлаб чиқилиши инobatга олиниб, “Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш

методикаси” махсус ўқув курси ишлаб чиқилди ва унинг ўқув-методик мажмуаси яратилди.

Аралаш таълим шароитида ўқитувчилар талабаларни мустақил таълимга жалб этиш ва унинг натижаларини реал тарзда баҳолаш методикасини шакллантириш модели талабаларнинг ўқув мотивини ошириш, уларни мустақил ўрганишга ўргатиш ва ўзлаштириш натижаларини назорат қилиб боришнинг самарали муҳитни яратишга кўмаклашади. Шунингдек, талабаларнинг билимини узлуксиз баҳолаш тизимини шакллантириш аралаш таълим шароитида ўқиш жараёнини максимал даражада ташкиллаштириш учун имкон яратади. Бунда талаба ёки талабалар гуруҳлари қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, катта маълумотлар тўпламларини бир зумда тезкор ва аниқ тўплаш ҳамда таҳлил қилиш имкониятини берувчи янги қўшма булутли (Module) технологиялардан фойдаланиш мумкин.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш асосида қуйидаги хулосага келинди, шакллантирувчи баҳолаш тизими «кўзда тутилмаган ҳолатлар (вазиятлар)»ни, яъни таълим мазмунининг баҳолашга боғлиқ равишда ўзгартирадиган критик нуқталарни таъминлайди. Пухта ўйланган шакллантирувчи баҳолаш тизими реал вақт режимида талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ўқув дастурларига киритиладиган зарурий ўзгартиришларни прогноз қилиш имконини беради. Шундай қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг Махсус фан ўқув-методик таъминотини яратиш технологияси асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуалар дидактик, методик ва техник талабларга жавоб берган ҳолда, аралаш таълим бўйича махсус курсларини самарали ташкил этишга ва амалга оширишга имкон яратади.

“Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили” деб номланган 4 бобда бўлажак ўқитувчилар компетентлигинининг ривожланганлигини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш тамойиллари, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва ташкилий асослари баён қилинган.

Маълумки, компетенциянинг ядроси билим, кўникма, малака ҳисобланади. Эгалланган, ўзлаштирилган ва шаклланган компетенциялар талабаларнинг компетентлик даражасини белгилайди. Талабаларда аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантиришнинг зарурий шарти амалий фаолият ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бўлажак ўқитувчиларнинг компетентлик мезонларини баҳолаш учун маълум компонентларни белгилаб олишга шароит туғдиради. Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълимдаги педагогик компетентлиги, ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда технологик тизимни тақоза этади ҳамда ташхислаш-натижавий компонент аралаш таълим шароитида талабаларнинг


педагогик компетентлигининг ривожланганлиги даражасини ва мақсадга мувофиқ ҳолда ташкил этиш тамойилларини белгилайди. Шу ўринда талабалар баҳолашда нимани кадрлашади, деган савол туғилади. Биринчидан, талабалар мавзу бўйича қандай баҳоланишларини билсалар албатта янада самарали ўрганадилар. Талабалар ўз билимлари баҳолашда шаффоликни кадрлайдилар ва кутадилар, улар маъруза, дарс, амалий машғулотлар ва тематик ресурслар ўртасида аниқ боғлиқликни кўришни, нимани билишларини ва қила олишларини намоёниш қилишни истайдилар. Улар, шунингдек, баҳо қандай мезонлар асосида қўйилиши, педагогларнинг қўйган баҳоларини изоҳлаб беришлари, зарур ҳолларда эришилган ютуқларини мукофотлайдиган ҳамда уларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф берадиган қайта алоқани кутадилар. Бундай ҳолларда мотивацион компонент: ҳамма нарсага ундаши, аудиториянинг психологик ҳолати, ўқитувчининг ташқи кўриниши ва унинг кайфияти, дарс босқичларининг ташкил этилиши, вазифалар, орзу, эҳтирос, идеаллик ва юзага келадиган психологик тўсиқлар ҳам инобатга олинишини назарда тутлади.

Тажриба – синов ишлари 2018-2021 ўқув йилларида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (ТВЧДПИ), Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) ҳамда Жиззах давлат педагогика институтлари (ЖДПУ) негизида олиб борилди. Тажриба - синов қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:


асословчи босқич (2018-2019 й.й. биринчи ярим йиллик), шакллантирувчи босқич (2018-2019 й.й. иккинчи ярим йиллик), умумийлаштирувчи босқич (2019-2020 йй) ҳамда яқунловчи босқич (2020-2021 йй). Тажриба-синов ишига жалб этилган талабаларнинг умумий сони 634 нафарни ташкил этди. Бўлажак ўқитувчилар компетентлигининг ривожланганлигини аниқлаш учун мотивацион, когнитив, фаолият, технологик ва интерфаол мезонлар аниқлаштириб олинди. Хусусан, мотивацион компонентда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти, аралаш таълимга бўлган муносабатлари, ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш, аралаш таълим шароитида замонавий методларни ўзлаштириш ва уларни амалиётда қўллашга интилиши баҳоланган бўлса, когнитив компонентда аралаш таълим муҳитида АКТ, электрон таълим ресурслари (ЭТР)дан самарали фойдаланишда зарур бўладиган асосий компетенциялар ва махсус билимларни эгаллай олиш қобилиятлари ҳамда уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш тизимининг қай тарзда йўлга қўйилганлиги баҳоланади.

Аралаш таълим шароитида талабалар педагогик компетентлиги компонентларининг ривожланганлиги педагогик фаолиятда ўзининг имкониятларини намоён этиши, педагог касбига бўлган эҳтиёжи, инновацион фикрлаш тарзи аниқ намоён бўлиши, ижодкорлиги, креативлиги, мақсадини қўйиш ва амалга ошириш методларини ўзлаштирган, фаол, ўзини ўзи ривожлантиришга интилувчи ва рефлексив қобилиятларини инобатга олган ҳолда паст,ўрта ва юқори даражада баҳоланди.


Маълумки, педагогик тажриба-синов ишларини статистик таҳлил қилишда бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, биз бу тадқиқот ишимизда Стьюдент статистикаси орқали натижалар таҳлил қилинди. Мазкур статистик мезон ёрдамида тажриба боши ва охирида олинган натижалар таққосланди. Ҳар бир олий таълим муассасалари натижалари 4 а), б), в) –расмларда диаграмма кўринишида келтирилган.



4,а-расм. Халқаро Вестминстер университети талабаларининг кўрсаткичлари



4,б-расм. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаларининг кўрсаткичлари



4,в-расм. Жиззах давлат педагогика институти талабаларининг кўрсаткичлари

Exell дастури ёрдамида тажриба охирида олинган натижаларнинг статистик таҳлилини жадвал кўринишида келтирамиз(1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба-синов охирида олинган натижаларнинг статистик таҳлили

Муассасалар	ТХВУ		ТВЧДПИ		ЖДПИ	
	Т	Н	Т	Н	Т	Н
Статистик мазонлар						
Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати	4,11	3,65	4,12	3,61	4,05	3,63
Самарадорлик коэффиценти	1,13		1,14		1,12	
Танланма дисперсия	0,42	0,51	0,43	0,46	0,4	0,4
Ўрта қийматлар стандарт хатолари	0,65	0,71	0,65	0,68	0,63	0,63
Вариация коэффиценти	15,86	19,6	15,83	18,74	15,55	17,31
X* нинг ишончилилик оралиғи	3,97; 4,24	3,5; 3,8	3,99; 4,24	3,48; 3,74	3,91; 4,2	3,48; 3,77
Стьюденст статистикаси	4,38		5,4		4,15	
Статистика озодлик даражаси	168		198		148	
Критик қиймат	1,96		1,96		1,96	
Мезони хулосаси	H ₁ гипотеза қабул қилинади		H ₁ гипотеза қабул қилинади		H ₁ гипотеза қабул қилинади	

Юқоридаги ҳисоб китобларга кўра, танлаб олинган гуруҳлардаги натижалар тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги математик статистик усуллар билан исботланди. Тажриба гуруҳидаги

самарадорлик Халқаро Вестминстер университетиди 1,14 баравар, ТВЧДПИ да 1,13 баравар ва ЖДПИ да 1,12 баробарга ортиқлигини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси бўйича илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Педагогика олий таълим муассасаларида таълим олишнинг анъанавий ва масофавий шакллари натижасида нафақат таълим мазмуни, балки ўқитишга замонавий ёндашувларни жорий этиш, мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини жадаллик билан оширишни ҳам тақозо қилмоқда. Шу кунгача амалга оширилган тадқиқотлар ўқитишнинг замонавий моделларини ишлаб чиқиш, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

2. Илмий манбаларни назарий таҳлил этиш асосида “Аралаш таълим кундузги, масофавий ўқитиш ва мустақил таълимни бирлаштирган ўқитиш тизимидан иборат бўлиб, у ўқитувчи, талаба ва ўқув жараёнига хос бўлган барча компонентлар (мақсадлари, мазмуни, методлар, ташкилий шакллари, ўқув воситалари)ни акс эттирувчи, доимий равишда ўзаро алоқада бўлган ва яхлит бир бутунликни ташкил этувчи ахборотнинг интерфаол манбаларининг ўзаро алоқасини ўз ичига олади”, деган хулосага келинди.

3. Эмпирик тадқиқот натижалари асосида аралаш таълимнинг қуйидаги имкониятлари аниқлаштирилди: ўқитиш жараёнини назорат қилиш ва бошқаришнинг шаффофлигини таъминлаш орқали таълим сифатини ошириш; аудитория ва лаборатория хоналаридан фойдаланишни тежаш орқали олий таълим ресусларидан самарали фойдаланиш; профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларига мобиллигини ривожлантириш; янги авлод талабаларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш орқали олий таълим муассасасига абитуриентларнинг жалб этиш имкониятларини кенгайтириш; электрон таълим технологияларини кенг қўллаш орқали олий таълим муассасининг халқаро таълим муҳитидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

4. Тадқиқот доирасида аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, фаолиятга доир, технологик ҳамда интерфаол компонентлари аниқлаштирилди. Шу билан бирга, аралаш таълим моделлари бир-биридан қуйидаги компонентлари билан фарқланиши асосланди: ўқитиш жараёни иштирокчиларининг анъанавий тарзда бевосита биргаликдаги фаолияти; ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон таълим ресуслари воситасида интерактив биргаликдаги фаолият; мустақил таълим олиш.

5. Аралаш таълим шароитида анъанавий ва масофавий ўқитиш тамойилларини интеграциялаш асосида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг қуйидаги методик қоидалари белгилаб берилди: таълим жараёнини лойиҳалашда педагогик ёндашувнинг устуворлиги; талабаларнинг касбий-технологик даражасини ҳисобга олиш; янги ахборот технологияларини мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш; аралаш таълим моделларидан кутиладиган натижанинг идентифлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш; аралаш таълим таркибий асосларининг ўзаро бир-бири билан алоқадорлиги; ўқув материаллари ва ўқув-билиш фаолиятининг ўқитиш шаклига мутаносиб тарзда тақсимланиши; интерфаоллик.

6. Компетенциявий, тизимли, шахсга йўналтирилган, фаолиятга доир интегратив ёндашувларига асосланган ҳолда, аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди. Моделни ишлаб чиқишда фаолиятнинг хилма-хил турлари ва шакллари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш қонуниятига асосланildi. Айниқса, моделни ишлаб чиқиш учун фаолиятга доир ёндашув муҳим ўрин эгаллади. Мазкур ёндашув моделни лойиҳалаш стратегиясини белгилаш ҳамда таълимий ўзаро таъсир фаолиятида шахснинг энг мослашувчан “ривожланиш траекториялари” ва индивидуал имкониятларини намоён этиш йўллари аниқлаштиришга имкон берди. Аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш модели қуйидаги компонентларни ўз ичига қамраб олди: мақсадли; мазмунли (таълим олувчилар ўқув-педагогик фаолиятининг назарий, методик ва технологик жараёнлари); 3) жараёнли; 4) натижавий-баҳоловчи.

7. Кредит-модуль тизими талабаларига мувофиқ, “Аралаш (гибрид) таълим технологияси” электив курси ишлаб чиқилди. Муаллифлик ёндашув асосида мазкур электив курсни ўқитиш мазмуни лойиҳаштирилди ва ўқув-услубий мажмуаси яратилди.

8. Очиқ таълим ресурсларининг (Google for Education) “ўгирилган синф” технологияси (Flipped Classroom)ни тайёрлов, аудитория иши, мустақил таълим билан синхрон коммуникацияга киришув даражаси интерактивлиги ва рефлексивлигини бевосита ҳисобга олиш асосида аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик механизми такомиллаштирилди. Мазкур механизм қўшма булутли (Module) технологиялардан фойдаланиш методикасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

9. Тажриба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлик даражаси ўртача 1,13 баробарга ортганлигини кўрсатди.

Тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) педагогика олий таълим муассаларида таълим шаклларида келиб чиққан ҳолда аралаш таълимни жорий этишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш лозим;

2) кредит-модуль тизими талаблари асосида талабаларнинг мустақил ишларини аралаш таълим метод ва технологияларини қўллаш асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

3) талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш мақсадида мутахассислик фанларини ўқитиш мазмунига аралаш таълимни касбга йўналтирган ҳолда ташкил этишга доир ўқув материалларини киритиш лозим;

4) бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, танлов фанлари блокига аралаш таълимни жорий этишга доир электив курслар каталогини ишлаб чиқиш керак;

5) кластерли ёндашув асосида аралаш таълимни аудитория ва аудиториядан ташқари ўқитиш шаклларига мувофиқ татбиқ этишнинг методик таъминотини такомиллаштириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

БАБАХОДЖАЕВА ЛОБАР ГАФУРДЖАНОВНА

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ
СМЕШАННОЙ МОДЕЛИ ОБУЧЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИЯ
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (информатика)

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Тема докторской диссертации в Высшей аттестационной комиссии зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1. DSc / Ped215.

Диссертация выполнена в Чирчикском Государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещена на веб-странице Научного совета (csri.uz.ilmiy-kengash) и на информационном-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: Усаров Жаббор Эшбекович
доктор педагогических наук

Официальные оппоненты: Эргашов Мухаммадрасул
доктор технических наук, профессор
Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
доктор педагогических наук, профессор
Урзова Марина Батыровна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится « 9 » 12 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03 / 30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амир Темура, дом-104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрировано под номером __). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амир Темура, дом-104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Автореферат диссертации разослан « 26 » 11 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 10 от 26.11 2021 года).



Б.Х.Эшчанов
Заместитель председателя
Научного Совета, д.ф-м.н.

Д.М.Махмудова
Ученый секретарь Научного
Совета, доктор философии
педагогических наук (PhD)

Р.А.Эшчанов
Председатель научного
семинара при Научном Совете
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Происходящие в мире процессы глобализации и информатизации оказывают большое влияние на все сферы, включая систему образования, все большее значение приобретает электронное обучение. Модели смешанного обучения (blended learning), такие как Face-to-face river, Rotation, Flex, Onlinelab, Self-blend, Onlineriver, ресурсы цифрового обучения и онлайн-сервисы широко используются не только при подготовке специалистов для реальных отраслей экономики, но и в развитии педагогической компетентности будущих преподавателей. Зарубежный опыт развитых стран показывает, что эффективное использование информационных технологий в развитии педагогической компетентности будущих преподавателей, поднятие на новый уровень информатизации педагогического образования повышает возможности достижения ожидаемой эффективности.

В мире осуществляется ряд научных исследований, имеющих отношение к разработке инновационных моделей информатизации сферы педагогического высшего образования, совершенствованию педагогических механизмов обеспечения приемлемой интеграции систем традиционного и инновационного образования на основе кластерного подхода, организационно-методической системы развития метакомпетентности будущих педагогов в условиях информационно-образовательной среды. В частности, актуальное значение имеет совершенствование практической технологической системы развития педагогической компетентности студентов посредством электронных образовательных ресурсов, современного многоканального графического интерфейса, визуального и предназначенного для объекта программирования, создания базы данных, а также разработки методической системы адаптивного применения формальных, информальных и неформальных форм расширения возможностей традиционного, дистанционного и самостоятельного образования

В республике большое внимание уделяется широкому внедрению цифровых технологий в систему высшего педагогического образования, подготовке преподавателей, способных осуществлять успешную деятельность с помощью альтернативных форм обучения в условиях нового Ренессанса и обладающих комплексной педагогической компетентностью. «Продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹ показывают необходимость дальнейшего расширения методических возможностей смешанного обучения. Это предполагает разработку модели развития

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – <https://lex.uz/docs/3107042?otherlang=3>

педагогической компетентности студентов в условиях смешанного обучения, совершенствования педагогических условий и дидактического механизма внедрения данной модели, определения квалиметрических критериев, показателей и индикаторов диагностики уровня развития педагогической компетентности будущих преподавателей.

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5538 от 5 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», 2018 г. 5 Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 213 от 14 апреля 2021 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области» и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-просветительского развития информационного общества и демократического государства и пути ее реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, связанные с методикой развития педагогической компетентности студентов в условиях смешанного обучения осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Stanford University (США), Institute named after Frica Bauer (Германия), Belfield pedagogical university(Германия); Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters University (Англия); Universiti

² Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Scardamalia M., & Bereiter C.: Knowledge building: Theory, pedagogy, and technology, in: K. Sawyer (eds.) Cambridge handbook of the learning sciences, New York, Cambridge University Press, p. 97-118 (2006).; Ligorio, M. Beatrice, Sansone, N.: Structure of a Blended University Course: Applying Constructivist Principles to Blended Teaching. In: Information Technology and Constructivism in Higher Education: Learning Frameworks, 216-230 (2009).; Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Pinchuk, O. P., Sokolyuk, O., Burov, O. Y., & Shyshkina, M. P.: Digital transformation of learning environment: aspect of cognitive activity of students. In: Proceedings of the 6th Workshop on Cloud Technologies in Education (CTE 2018), KryvyiRih, Ukraine, December 21, 2018, CEUR Workshop Proceedings 2433, 90-101 (2019).

Teknologi Malaysia (Малайзия); Seoul Cyber University (Жанубий Корея); Санкт-Петербургским институтом информатизации (Россия); Чирчикским государственным педагогическим институтом (Узбекистан).

